

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД - 5111400 - 2.06

2016 йил "9" 01



МАМЛАКАТШУНОСЛИК
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	–	Педагогика
	120 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (француз тили)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (француз тили)
	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (француз тили)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Нишонов П.П. - ЎзДЖТУ, “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

Ёқубов Ж.А. - ЎзДЖТУ, “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.д., проф.;

Ширинова Р.Ҳ. - ЎзМУ, “Француз филологияси” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Ушбу дастурда “Мамлакатшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи, моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари, чет тили таълимнинг ажралмас қисми сифатида талабаларнинг коммуникатив, лингвистик, социолингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетентлигини интеграллашган ёндашув асосида ривожлантиришни кўзда тутувчи мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи-назаридан мантиқий кетма-кетликда ўз аксини топган. “Мамлакатшунослик” фанини чуқур ўрганиш талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакатга оид билимларини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Мамлакатшунослик” фанининг асосий мақсади – талабаларда маданиятлараро коммуникациянинг асосий шарти бўлган лингво-маданий компетенцияни шакллантиришдан иборат. Бунда талабаларда тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, географияси, адабиёти, санъати, фан ва маданияти, таълим тизимини, шунингдек ўзларини ўраб турган атроф муҳит ҳақидаги маълумотлар бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириш асосий ўринни эгаллайди.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- ўрганилаётган тилда илмий маърузаларни тинглаб тушуниш ва унинг асосий қисмларини ёзма қайд қилиб бориш кўникмаларини ривожлантириш;

- тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, маданияти ва географиясига оид билимларни тизимли асосда ривожлантириб бориш;

- тили ўрганилаётган мамлакат ва Ўзбекистон маданиятлари ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни таҳлил қила олиш, ўз маданияти ва ўзгалар маданиятига хурмат руҳини сингдириб бориш;

- мамлакатшуносликка оид лексик ва фразеологик бирликлар, матнларни лексик, стилистик, статистик ва бошқа усулларда таҳлил қилишга оид назарий-амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Мамлакатшунослик” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- тили ўрганилаётган мамлакатнинг табиий ва ижтимоий географияси, иқтисодиёти, сиёсий тузуми;
- тили ўрганилаётган мамлакатнинг этник таркиби, дини, маданияти ва спорти ;
- тили ўрганилаётган мамлакатнинг маиший ҳаёти, байрамлари, урф-одатлари ва халқларининг илмий, маданий мерослари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- тили ўрганилаётган мамлакатларда кечаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларни;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий географиясига оид билимларни;
- хорижиймамлакатларнинг тарихий ривож ва замонавийлиги нуқтаи назаридан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг шаклланиш масалаларини;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи, географияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги геосиёсий ўрни ҳақида**билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- атлас, статистик жадваллар, сиёсий, табиий ва иқтисодий хариталар билан ишлаш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақидаги зарур маълумотларни оммавий ахборот воситаларидан топа олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида курс ишлари, эссе ва мақолалар ёза билиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида маъруза матнлари ярата олиш ва уларни тингловчилар олдида тақдимотини қила олиш**қўникмаларига эга бўлиши керак;**
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишини таҳлил қилиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатларнинг тарихий илдизлари ҳақида тўлиқ тасаввур шакллантира олиш**малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Мамлакатшунослик” фани ўқув режадаги бошқа назарий ва амалий фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Тил кўникмалари интеграцияси”, “Ўқиш ва ёзиш амалиёти”, “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси”, каби фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Мамлакатшунослик фани “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи”, “Таржима назарияси ва амалиёти” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Мамлакатшунослик фани ишлаб чиқариш билан бевосита боғланмаган. Бироқ у ёш авлодга таълим-тарбия беришда, ўз мамлакати ва ҳорижий мамлакатларнинг тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёшларни тарихий қадриятлар руҳида тарбиялаш, бошқа мамлакатларнинг қадриятларини ўрганиш ва уларга ёшларимизнинг муносабатини шакллантиришда мазкур фаннинг роли катта.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба “Мамлакатшунослик” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, турли хил топшириқлар)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий хужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint), интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Қадимги давр Франция тарихи

Франция давлатининг пайдо бўлиши. Франция тарихида Кельт даври. Қадимги Галлия. Галлиянинг Рим империяси томонидан босиб олиниши. Галлияда христиан динининг тарқалиши. Галлиянинг герман қабилалари томонидан истило қилиниши. Рим империясининг инқирози. Франклар давлатининг ташкил топиши.

Ўрта асрлар Франция тарихи

Капетинглар сулоласи. Салб юришлари. Қироллик ҳокимиятининг мустақамланиши. Юз йиллик уруш ва унинг оқибатлари. Жакерия. Жанна Дарк. Меровинглар ва Каролинглар қироллиги.

Франциянинг янги давр тарихи

Францияда марказлашган давлатнинг шаклланиши. Италия урушлари. Диний ислохотлар. Жан Калвин – реформатор. Уйғониш даври. Францияда абсолютизм. Буржуазия революцияси (1789-1794йй.). Биринчи империя. Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларациясининг қабул қилиниши. Биринчи Конституция. Монархиянинг кулаши (1792йй.). Директория ва Консуллик. Наполеон империяси. Реставрация. Июль монархияси. 1848 йил Февраль инқилоби. Иккинчи Республика. Париж коммунаси. Учунчи Республика.

Франциянинг энг янги тарихи

Франция биринчи жаҳон уруши даврида. Иқтисодий инқироз. Франция иккинчи жаҳон уруши даврида. Виши ҳукумати. Генерал Шарль Де Голл ва Қаршилик ҳаракати. Франция НАТО таркибида. Колониал урушлар. Тўртинчи Республиканинг кулаши. Бешинчи Республика.

Франция географияси

Франция ҳудуди. Иқлими ва рельефи. Мамлакатнинг йирик шаҳарлари. Франциянинг демографик ҳолати. Иммиграция муаммолари.

Франциянинг давлат ва маъмурий-худудий тузилмаси

Парламент. Парламент палаталари: Миллий Ассамблея ва Сенат. Республика Президенти. Францияда сиёсий партиялар ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни. Сайлов тизими. Суд ҳокимияти. Мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши. Денгиз орти департаментлари ва ҳудудлари. Маъмурий ва ўз-ўзини бошқариш органлари.

Франциянинг иқтисодий ҳаёти

Саноат ишлаб чиқариши. Қишлоқ хўжалиги. Хизмат кўрсатиш соҳаси. Франциянинг иқтисодий ҳамкорлари. Туризмнинг ривожланиши.

Франциянинг ижтимоий ҳаёти

Мамлакат аҳолиси. Ишлаб чиқаришда банд аҳоли қатлами. Ижтимоий қатламлар. Меҳнатни ташкил этиш. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги. Соғлиқни сақлаш тизими.

Франциянинг маданий ҳаёти

Миллий байрамлар ва анъаналар. Кино ва театр санъати. Таълим тизими. Спорт. Француз тили ва франкофония.

Франция ва Европа Иттифоқи

Европа Иттифоқининг шаклланиш босқичлари. Европа Иттифоқининг асосий бошқарув органлари: Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Парламенти ва уларнинг функциялари. Франциянинг Европа Иттифоқи доирасида юритаётган халқаро сиёсати.

Ўзбекистон ва Франция

Ўзбекистон ва Франция алоқалари тарихи. Ўзбекистон Франция дипломатик алоқалари. Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва унинг истикболлари.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Қадимги давр Франция тарихи
2. Ўрта асрлар Франция тарихи
3. Франциянинг янги давр тарихи
4. Франциянинг энг янги тарихи
5. Франция географияси
6. Франциянинг давлат ва маъмурий-худудий тузилмаси
7. Франциянинг иқтисодий ҳаёти
8. Франциянинг маданий ҳаёти
9. Франция ва Европа Иттифоқи

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, меъёрий –ҳуқуқий, тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўздатилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўздатилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни даврий матбуот, тарихий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;

- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи ишланмалар тайёрлаш;
- назарийбилимларни амалиётда қўллаш;
- мамлакатшунослик таълими амалиёти бўйича мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билиминини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. La Gaule romaine .
2. Clovis et les Mérovingiens.
3. Charlemagne et les Carolingiens.
4. La France des premiers Capétiens.
5. Le temps des grands monarques.
6. La guerre de Cent Ans.
7. Les guerres de religion.
8. La France dans la guerre européenne au temps de Louis XIII et de Richelieu.
9. Louis XIV.
10. La fin de l’Ancien Régime.
11. La Première République.
12. Le Consulat et l’Empire.
13. La Restauration et la monarchie de Juillet.
14. La France et la V République.

Дастурнинг информатсион-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (тақдимот), мултимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. История Франции в 3х томах (под ред.Манфред А.) – М., 1972.
2. СвиридоноваВ.П. La France. Учебное пособие по страноведению. Волгоград, 2004.
3. Fayet A., Fayet M. L’histoire de France. Des origines à nos jours. Deuxième édition. Paris, Eyrolles, 2009.

Қўшимча адабиётлар:

1. Григорьева Е.Я. История Франции – Histoire de la France. – М., Астрель, 2002.
2. Заботкина О.С., Реферовская Е.А., Шрайбер Э.Л. La France.-Л., Просвещение, 1977.
3. Carlo C., Causa M. Civilisation progressive du français. Paris, CLE International, 2005.
4. Garchina E.J. Villes de France. –Л., 1978.
5. ThoravalJ. Les grandes étapes de la civilisation française. Paris, Bordas, 1975.

Интернет сайтлар:

1. [www.http://education.gouv.fr](http://education.gouv.fr)
2. [www.http://enseigner.fr](http://enseigner.fr)
3. [www.http://bonjourdefrance.com](http://bonjourdefrance.com)
4. [www.http://gvn.chateauversailles.fr](http://gvn.chateauversailles.fr)
5. [www.http://histoiredefrance.net](http://histoiredefrance.net)

